

**“Ипотека-банк” АТИБ**  
**Бошқаруви йиғилишининг**  
**210 сонли баёни**

Тошкент ш.

2022 йил 29 июн

**Раислик қилди:**

**Э.Иномжонов**

**“Ипотека-банк” АТИБ**  
**Бошқаруви Раиси**

Бошқарув аъзолари:

**Қатнашдилар:**

**Ф.Ботиров, Д.Зулфукаров,**  
**М.Абдурахманов, Ж.Фаязов,**  
**Э.Норметов, Х.Муродов,**

**Таклиф этилганлар:**

А.Мухитдинов,

**Йиғилиш котиби:**

Б.Ушбаев

**Йиғилиш кворуми:**

100 %

**Кун тартиби:**

1. 'Imkon-sug'urta' акциядорлик жамиятининг 2021 йил фаолияти яқунлари бўйича Кузатув кенгаши ҳисоботини тасдиқлаш.

2. 'Imkon-sug'urta' акциядорлик жамиятининг 2021 йил фаолияти яқунлари бўйича Бошқарув ҳисоботи ва 2022 йилдаги устувор вазифаларини тасдиқлаш.

3. 'Imkon-sug'urta' акциядорлик жамиятининг 2021 йил фаолияти яқунлари бўйича йиллик ҳисоботини, жумладан бухгалтерия балансини, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини ва аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш.

4. 'Imkon-sug'urta' акциядорлик жамиятининг 2021 йил фаолияти якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш.

5. 'Imkon-sug'urta' акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

6. 'Imkon-sug'urta' акциядорлик жамиятининг Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

7. 'Imkon-sug'urta' акциядорлик жамиятининг Бошқаруви аъзолари билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш.

8. 'Imkon-Sug'urta' акциядорлик жамиятининг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан ўз капитали ҳисобидан кўпайтириш, қўшимча акцияларини чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш, қўшимча чиқарилаётган акцияларининг жойлаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартларини белгилаш ҳамда Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш.

9. 'Imkon-sug'urta' акциядорлик жамиятининг кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида (жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ) аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни келгусида Банк томонидан мустақил амалга ошириши учун акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган (кутилаётган) битимларни аниқлаш ва маъқуллаш.

(Э.Иномжонов, А.Мухитдинов, Э.Иномжонов)

**Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан,** 'Imkon-Sug'urta' АЖ Кузатув кенгаши раиси А.Мухитдинов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 'Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида'ги Қонуни 58-моддаси ҳамда 'Imkon-Sug'urta' АЖ Устави 17.4-бандига мувофиқ Кузатув кенгаши ҳисоботи Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқилишини маълум қилди ва 'Imkon-sug'urta' акциядорлик жамиятининг 2021 йил фаолияти яқунлари бўйича Кузатув кенгаши ҳисоботини (матни 1-иловада келтирилади) йиғилиш иштирокчиларига тақдим этди.

**Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан,** 'Imkon-Sug'urta' АЖ Бошқарув раиси А.Намозов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 'Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида'ги Қонуни 58-моддаси ҳамда 'Imkon-Sug'urta' АЖ Устави 17.4-бандига мувофиқ Бошқарув ҳисоботи Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқилишини маълум қилди ва 'Imkon-sug'urta' акциядорлик жамиятининг 2021 йил фаолияти яқунлари бўйича Бошқарув ҳисоботини (матни 2-иловада келтирилади) йиғилиш иштирокчиларига тақдим этди.

**Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан,** 'Imkon-Sug'urta' АЖ Бош бухгалтери С.Ортиқов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 'Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида'ги Қонуни 58-моддаси ва 'Imkon-Sug'urta' АЖ Устави 17.4-бандига мувофиқ йиллик ҳисобот Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқилишини маълум қилди ва 'Imkon-sug'urta' акциядорлик жамиятининг 2021 йил фаолияти яқунлари йиғилиш иштирокчиларига қуйидагиларни тақдим этди:

'Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш Қоидалари' (рўйхат рақами 2383, 2012 йил 31 июль) талабларига биноан тайёрланган йиллик ҳисобот (матни 3-иловада келтирилади);

бухгалтерия баланси (матни 4-иловада келтирилади);

молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (матни 5-иловада келтирилади);

'ТТТ AUDIT' МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хулосаси (матни 6-иловада келтирилади).

**Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан,** 'Imkon-Sug'urta' АЖ Кузатув кенгаши раиси А.Мухитдинов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг 'Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида'ги Қонуни 58-моддаси ҳамда 'Imkon-Sug'urta' АЖ Устави 17.4-бандига мувофиқ фойда ва зарарлар тақсимоти Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқилади.

'Imkon-sug'urta' акциядорлик жамияти 2021 йилдаги фаолияти якунига кўра 4 049 719 514,33 сўм соф фойда олган.

'ТТТ AUDIT' МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 'Imkon-Sug'urta' АЖнинг 2021 йил учун молиявий ҳисоботи ишончлилиги ҳақида 2022 йил 18 апрелдаги мустақил аудитор хулосаси берилган.

'Imkon-sug'urta' АЖ Кузатув кенгаши томонидан унинг 2021 йил фаолияти якуни бўйича 4 049 719 514,33 сўм соф фойдасидан:

ўтган йиллар тақсимланмаган зарарини коплашга – 542 246 145,81 сўм;

захира фондига амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорда ёки 349 578 631,68 сўм;

қолган 3 157 894 736,84 сўмни, шундан дивиденд бўйича фойда солиғига 5 фоизи ёки 157 894 736,84 сўм ва 'Imkon-sug'urta' АЖ устав капиталини кўпайтиришга 3 000 000 000,00 сўмни йўналтирилиши тўғрисида тавсия берилган.

Ўзбекистон Республикасининг 'Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида'ги Қонуни 59-моддаси ва 'Imkon-Sug'urta' АЖ Устави 17.8-бандига мувофиқ, 'Imkon-Sug'urta' АЖ фойдаси ва зарарларини тақсимлаш Акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига киритилган.

**Кун тартибдаги бешинчи масала юзасидан,** 'Imkon-Sug'urta' АЖ Кузатув кенгаши раиси А.Мухитдинов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг 'Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида'ги Қонуни 58 ва 76-моддалари ҳамда 'Imkon-Sug'urta' АЖ Устави 17.4 ва 18.5-бандларига мувофиқ Кузатув кенгаши аъзоларини 3 (уч) йил муддатга сайлаш масаласи Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқилади.

'Imkon-Sug'urta' АЖ Кузатув кенгаши 5 (беш) нафар аъзолардан иборат ва Кузатув кенгаши аъзолигига 3 (уч) йил муддатга қуйидагиларни сайлаш таклиф этилмоқда:

- 1) Мухитдинов Азиз Акбарович – 'Ипотека-банк' АТИБ Молия блоки раҳбари;
- 2) Усманова Дилафруз Аминовна – 'Ипотека-банк' АТИБ Инвестицион фаолиятни мувофиқлаштириш маркази директори;
- 3) Умаров Равшанбек Анварович – 'Ипотека-банк' АТИБ Пластик карталар департаменти директори;
- 4) Эгамбердиев Азизбек Мирзакаримович – 'Ипотека-банк' АТИБ Юридик департамент директори ўринбосари;
- 5) Каландаров Азиз Джалалитдинович – 'Ипотека-банк' АТИБ Кредит администрацияси маркази директори.

**Кун тартибдаги олтинчи масала юзасидан,** 'Imkon-Sug'urta' АЖ Кузатув кенгаши раиси А.Мухитдинов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг 'Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида'ги Қонуни 58-моддаси ҳамда 'Imkon-Sug'urta' АЖ Устави 17.4 ва 21.2-бандларига мувофиқ Тафтиш комиссияси аъзоларини 1 (бир) йил муддатга сайлаш масаласи Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқилади.

'Imkon-Sug'urta' АЖ Тафтиш комиссияси 3 (уч) нафар аъзолардан иборат ва Тафтиш комиссияси аъзолигига 1 (бир) йил муддатга қуйидагиларни сайлаш таклиф этилмоқда:

- 1) Наримов Фарход Равшанович – 'Ипотека-банк' АТИБ Молиявий ҳисобот ва назорат департаменти директори;
- 2) Худойбердиев Бобир Искандарович – 'Ипотека-банк' АТИБ Комплаенс назорати департаменти директори;
- 3) Файзиев Улугбек Равшанович – 'Ипотека-банк' АТИБ Риск ҳисоботлари ва риск менежменти инструментлари бўлими бошлиғи.

**Кун тартибдаги еттинчи масала юзасидан,** 'Imkon-Sug'urta' АЖ Кузатув кенгаши раиси А.Мухитдинов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг 'Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида'ги Қонуни 58 ва 79-моддалари ҳамда 'Imkon-Sug'urta' АЖ Устави 17.4, 19.2 ва 19.6-19.7-бандларига мувофиқ Бошқарув аъзолари билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини 3 (уч) йилга узайтириш масаласи Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқилади. Бунда, Бошқарув аъзолари билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш ҳар йили кўриб чиқиши мумкин.

'Ипотека-банк' АТИБ Бошқаруви йиғилишининг 2022 йил 11 февралдаги 24-сонли қарори билан 'Imkon-Sug'urta' АЖнинг 5 (беш) нафар аъзолардан иборат Бошқарувига қуйидаги 4 (тўрт) нафар Бошқарув аъзолари 2021 йил якунлари бўйича акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишига қадар, лекин 2022 йилнинг 30 июнидан кеч бўлмаган муддатга сайланган:

- 1) Намозов Анвар Қаҳҳарович – Бошқарув раиси;
- 2) Суяров Мансур Хамраевич – Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари;
- 3) Нурмухамедов Ихтиёр Наимович – Бошқарув раиси ўринбосари-Умумий ва қайта суғурталаш ҳамда ҳудудий филиалларни ривожлантириш департаменти директори;

- 4) Ортиқов Султонбек Бахтиёр ўғли – Бош бухгалтер.

Шунингдек, 'Imkon-Sug'urta' АЖ Бошқарувидаги 1 (бир) нафар аъзо – Бошқарув раиси ўринбосари лавозими вақант бўлиб келмоқда.

Юқорида келтирилган 'Imkon-Sug'urta' АЖ Бошқарув аъзолари билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини, тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш ҳар йили кўриб чиқиши шarti билан, 3 (уч) йилга узайтириш таклиф этилмоқда.

**Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан,** 'Imkon-Sug'urta' АЖ Кузатув кенгаши раиси А.Мухитдинов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон 'Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида'ги қарори 3-банди ва мазкур қарор 3-иловасига мувофиқ, суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) учун устав капиталининг минимал миқдори 2022 йил 1 июлдан 45 млрд. сўм этиб белгиланган.

Юқоридаги қарор талабини ижро этиш мақсадида, 'Imkon-Sug'urta' АЖнинг 9 061 252 892 (тўққиз миллиард олтмиш бир миллион икки юз эллик икки минг саккиз юз тўқсон икки) дона 9 061 252 892 (тўққиз миллиард олтмиш бир миллион икки юз эллик икки минг саккиз юз тўқсон икки) сўмлик қўшимча оддий акцияларини босқичма-босқич чиқариш ва уларни 'Ипотека-банк' АТИБга ёпиқ обуна усули билан жойлаштириш орқали 'Imkon-Sug'urta' АЖ устав фондиди (устав капитални) 45 000 000 000 (қирқ беш миллиард) сўмга етказиш тўғрисида 'Ипотека-банк' АТИБ Бошқарувининг 2022 йил 17 майдаги 140-сонли қарори қабул қилинган. Мазкур қарорга мувофиқ:

**биринчи босқичда** 6 061 252 892 дона қўшимча оддий акциялар чиқарилиб пул маблағлари эвазига жойлаштирилди;

**иккинчи босқичда** устав фондиди (устав капитални) 3 000 000 000 дона қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан ўз капитални, яъни 2021 йил якуни бўйича соф фойданинг бир қисми ҳисобидан кўпайтириш таклиф этилмоқда.

Ҳозирда 'Imkon-Sug'urta' АЖнинг шаклланган устав фонди (устав капитали) миқдори 42 000 000 000 (қирқ икки миллиард) сўмни ташкил этиб, номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган эгаси номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги 42 000 000 000 (қирқ икки миллиард) дона оддий акциялардан иборат. Мазкур акциялар 'Imkon-Sug'urta' АЖнинг ягона акциядори 'Ипотека-банк' АТИБга жойлаштирилган.

'Imkon-Sug'urta' АЖ Устави 11.21-бандида устав фонди (устав капитални) ошириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори номинал қиймати 1 (бир) сўмлик 13 938 747 108 (ўн уч миллиард тўққиз юз ўттиз саккиз миллион етти юз қирқ етти минг бир юз саккиз) дона умумий қиймати 13 938 747 108 (ўн уч миллиард тўққиз юз ўттиз саккиз миллион етти юз қирқ етти минг бир юз саккиз) сўм бўлган, эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, оддий акциялардан иборатлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 'Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида'ги Қонуни 18, 33, 34, ва 59-моддалари ҳамда 'Imkon-Sug'urta' АЖ Устави 9.1, 9.2, 9.4, 9.6, 9.7, 11.6, ва 17.8-бандларига мувофиқ:

устав фонд (устав капитал) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин;

қўшимча акциялар фақат Уставда белгиланган эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жойлаштирилади;

устав фондини (устав капитални) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак;

қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор устав фонди (устав капитални) кўпайтириш тўғрисидаги қарор эканлиги белгиланган;

устав фондини (устав капитални) кўпайтириш ўз капитали ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин;

қўшимча чиқариладиган акциялар ёпиқ обуна воситасида жойлаштирилиши мумкин;

устав фонд (устав капитал) ўз капитали ҳисобидан кўпайтириладиганда қўшимча акцияларни жойлаштириш уларнинг номинал қиймати бўйича амалга оширилади;

устав фонди (устав капитални) кўпайтириш тўғрисидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 'Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида'ги, 'Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида'ги Қонунлари, 'Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш Қоидалари'га (рўйхат рақами 2000, 2009 йил 30 август) мувофиқ 'Imkon-Sug'urta' акциядорлик жамиятининг қўшимча акцияларини чиқариш, чиқариладиган акцияларининг жойлаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартларини белгилаш ҳамда Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорини (матни 7-иловада келтирилади) тасдиқлаш ва ушбу қарорни қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш лозим.

**Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан, 'Imkon-Sug'urta' АЖ Бошқарув раиси А.Намозов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.**

Ўзбекистон Республикасининг 'Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида'ги Қонуни 8 ва 9-бобларига мувофиқ:

'Imkon-Sug'urta' АЖ кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар йирик битимлар ҳисобланмаслиги;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида 'Imkon-Sug'urta' АЖ томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, 'Imkon-Sug'urta' АЖнинг кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида (жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ) аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни келгусида 'Imkon-Sug'urta' АЖ томонидан мустақил амалга ошириши учун акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган (кутилаётган) битимларни (матни 8-иловада келтирилади) маъқуллаш таклиф этилмоқда.

Юқорида баён этилганларни, шунингдек 'Imkon-Sug'urta' АЖ ягона акциядори 'Ипотека-банк' АТИБ эканлигини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 'Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида'ги Қонуни 58-моддаси ва 'Imkon-Sug'urta' АЖ Устави 17.7-бандига мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар барча оддий акцияларга эгалик қилувчи ягона акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинишини инобатга олиб,

#### **Бошқарув қарор қилади:**

1. 'Imkon-Sug'urta' акциядорлик жамиятининг 2021 йил фаолияти якунлари бўйича Кузатув кенгаши ҳисоботи 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. 'Imkon-Sug'urta' акциядорлик жамиятининг 2021 йил фаолияти якунлари бўйича Бошқарув ҳисоботи 2-иловага мувофиқ ва мазкур ҳисоботда таклиф этилган 'Imkon-Sug'urta' акциядорлик жамиятининг 2022 йилдаги устувор вазифалари тасдиқлансин.

3. 'Imkon-Sug'urta' акциядорлик жамияти фаолиятининг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи 3-иловага, жумладан бухгалтерия баланси 4-илова, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи 5-илова ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. 'Imkon-Sug'urta' акциядорлик жамиятининг 2021 йил фаолияти якуни бўйича 4 049 719 514,33 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

а) 542 246 145,81 сўм ёки 13,39 фоиз миқдорда ўтган йиллар тақсимланмаган зарарини қоплашга юборилсин;

б) 349 578 631,68 сўм ёки 8,63 фоиз миқдорда захира фондига йўналтирилсин;

в) 3 157 894 736,84 сўм ёки 77,98 фоиз, шундан 157 894 736,84 сўм ёки 5 фоизи дивиденд бўйича фойда солиғи ва 3 000 000 000,00 сўм устав фондни (устав капитални) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришга йўналтирилсин.

5. 'Imkon-Sug'urta' акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши аъзоси этиб куйидагилар 3 (уч) йил муддатга сайлансин:

- 1) Мухитдинов Азиз Акбарович – 'Ипотека-банк' АТИБ Молия блоки раҳбари;
- 2) Усманова Дилафруз Аминовна – 'Ипотека-банк' АТИБ Инвестицион фаолиятни мувофиқлаштириш маркази директори;
- 3) Умаров Равшанбек Анварович – 'Ипотека-банк' АТИБ Пластик карталар департаменти директори;
- 4) Эгамбердиев Азизбек Мирзакаримович – 'Ипотека-банк' АТИБ Юридик департамент директори ўринбосари;
- 5) Каландаров Азиз Джалалитдинович – 'Ипотека-банк' АТИБ Кредит администрацияси маркази директори.

6. 'Imkon-Sug'urta' акциядорлик жамиятининг Тафтиш комиссияси аъзоси этиб куйидагилар сайлансин:

- 1) Наримов Фарход Равшанович – 'Ипотека-банк' АТИБ Молиявий ҳисобот ва назорат департаменти директори;
- 2) Худойбердиев Бобир Искандарович – 'Ипотека-банк' АТИБ Комплаенс назорати департаменти директори;
- 3) Файзиев Улугбек Равшанович – 'Ипотека-банк' АТИБ Риск ҳисоботлари ва риск менежменти инструментлари бўлими бошлиғи.

7. 'Imkon-Sug'urta' акциядорлик жамиятининг куйидаги Бошқаруви аъзолари билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддати, тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш ҳар йили кўриб чиқилиши шарти билан, 3 (уч) йилга узайтирилсин:

- 1) Намозов Анвар Қаҳҳарович – Бошқарув раиси;
- 2) Суяров Мансур Хамраевич – Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари;
- 3) Нурмухамедов Ихтиёр Наимович – Бошқарув раиси ўринбосари-Умумий ва қайта суғурталаш ҳамда ҳудудий филиалларни ривожлантириш департаменти директори;
- 4) Ортиқов Султонбек Бахтиёр ўғли – Бош бухгалтер;
- 5) Вакант – Бошқарув Раиси ўринбосари.

Бунда, Бошқарув аъзолари билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш ҳар йили кўриб чиқилиши мумкинлиги белгилаб қўйилсин.

8. 'Imkon-Sug'urta' акциядорлик жамиятининг устав фондининг (устав капиталининг) миқдори номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 3 000 000 000 (уч миллиард) дона умумий қиймати 3 000 000 000 (уч миллиард) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан ўз капитали, яъни тақсимланмаган фойдаси (2021 йил якуни бўйича соф фойдаси) ҳисобидан 42 000 000 000 (қирқ икки миллиард) сўмдан 45 000 000 000 (қирқ беш миллиард) сўмга етказилсин.

'Imkon-Sug'urta' акциядорлик жамиятининг номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 3 000 000 000 (уч миллиард) дона умумий қиймати 3 000 000 000 (уч миллиард) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акциялари ёпиқ обуна орқали муомалага чиқарилсин ҳамда мазкур қўшимча чиқарилаётган акцияларнинг жойлаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартлари куйидагича белгилансин:

11. Мазкур Бошқарув қарори бир вақтнинг ўзида 'Imkon-Sug'urta' акциядорлик жамиятининг 2021 йил фаолияти якуни бўйича Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши юзасидан ягона акциядори қарори эканлиги белгилансин.

Бошқарув аъзолари овоз беришди:

Тарафдор - 7; Қарши – йўқ; Бетараф – йўқ.


Бошқарув Раиси




Э.Иномжонов

Бошқарув аъзолари:

Ф.Ботиров



Д.Зулфукаров




М.Абдурахманов



Ж.Фаязов



Э.Норметов




Х.Муродов



Йиғилиш котиби:

Б.Ушбаев



Таклиф этилган:

А.Мухитдинов

